ISSN 0131 – 1832

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN`AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN`ATSHUNOSLIK

Шарқ юлдузи



Sharq yulduzi

4 / 2018



ИЗЛАНИШЛАР САРҲИСОБИ

Наргиза ТЎХТАЕВА

Сўнгги пайтларда ҳаётимизда рўй бераётган ижобий янгиланишлар маънавиятимизда ҳам бўй кўрсатмоқда. Президентимизнинг республикамизда китобхонликни ривожлантириш ҳақидаги қарор ва кўрсатмалари, жумладан, болалар адабиётини тарғиб қилиш, айниқса, мактабгача ёшдаги болалар учун ҳам махсус бадиий асарлар яратиш борасидаги кўрсатмалари адабиётимиз равнақи учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, сўнгги йилларда ўзбек ва жаҳон болалар адибларининг энг сара асарлари замонавий дизайндаги муқоваларда қайта-қайта сифатли нашр этилмоқда. Масалан, Худойберди Тўхтабоевнинг деярли барча асарлари, жаҳон адабиётидан Ханс Кристиан Андерсен, Шарл Перро, Жонатан Свифт, Жанни Родари асарлари сўнгги икки йилда кўпгина нашриётларда қайта чоп этилди.

Ўтган йилги болалар насрини кўздан кечирганимизда ҳам анча ўқишли асарлар яратилганига гувоҳ бўламиз. Яратилаётган асарлар шаклий-услубий жиҳатдан ҳам, жанр нуқтаи назаридан ҳам ранг-баранглик касб этмоқда. Атоқли адиб Худойберди Тўхтабоевнинг "Тагоб қишлоқ эртаклари", Эркин Маликнинг "Набирамга мактублар", Отабек Қувватовнинг "Олимжоннинг саргузаштлари", Маъруфжон Йўлдошевнинг "Зарчодир остида", Зиёдулла Латиповнинг "Мўъжизакор ҳаёт" каби қисса ва ҳикоялар тўплами шулар жумласидан.

Чунончи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг "Тагоб қишлоқ эртаклари" китобида адибнинг болалик хотиралари бадиий ифодаланган. Биографик характерга эга бўлган ушбу асар болалар ёшига хос ҳаётий воқеаларга бойлиги, юмористик руҳнинг етакчилик қилиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Асар қаҳрамонлари оддий қишлоқ болалари бўлиб, улар ижтимоий воқеликка, катталар ҳаётидаги муаммоларга бола нигоҳи ва беғубор қалби билан қарайдилар, ўзларича ечим ҳам топадилар. Ёзувчининг маҳорати шунда намоён бўладики, адиб энг фожеий қисматларни ҳам эртак шаклида ҳикоя қилиб беради. Бу эса асарнинг ҳам ўқишлилигини, ҳам ибратомуз тарбиявий аҳамиятини янада оширади. Бугунги ўзбек болалар адабиётининг атоқли намояндаси қаламига мансуб "Тагоб қишлоқ эртаклари" номли ушбу асар ҳам адибнинг кўплаб роман ва қиссалари сингари, нафақат, ўзбек болалар китобхонлари, балки жаҳон болалар адабиёти ихлосмандлари қалбидан муносиб ўрин олади деб ўйлаймиз.

Таниқли ёзувчи Эркин Маликнинг ҳам лотин, ҳам крилл ёзувида чоп этилган "На-

---

Наргиза ТЎХТАЕВА – 1977 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида таҳсил олган. Ўттизга яқин илмий мақолалари чоп этилган.

бирамга мактублар" китоби ҳам жанрий-услубий ўзига хослиги билан ажралиб туради. Китобдан "Ҳавас ва ҳасад", "Омонат", "Дўст ва душман", "Шукур", "Сўзамоллик", "Ихтиро", "Одамни англаш", "Қўл телефони", "Ҳушёрлик", "Тил сеҳри", "Чироқ бу илмдир", "Ишонч" каби саксонга яқин мактуб шаклида битилган кичик-кичик бадиий-публицистик ҳикоялар, пандномалар ўрин олган. Уларда болаларни қизиқтирган, улар тарбияси ва камолида муҳим ўрин тутадиган жуда кўп саволларга оддий, содда ва лўнда жавоб берилган. Ҳикоялар ўзига хос ҳаётий ўхшатишлар, мисоллар билан зийнатланган. Масалан, "Ҳурлик ва қуллик" мавзусидаги мактуб шундай жумлалар билан бошланади: "*Бир бургут бўлган экан. Ошёни баланд қоялардан ҳам баландда экан. Гоҳ қуён, гоҳ тустовуқ овлаб кун кечираркан. Унинг ҳаётига ҳеч бир ғаним таҳдид сола олмас экан. Бошқа қушларга қараганда озод ва ҳур, бир сўз билан айтганда қушлар подшоҳи экан.*

Бир куни қушлар ўртасида миш-миш тарқалибди. Нима эмиш, овчи бургутни оёғига ип боғлаб ўғлига ўйинчоқ қилиб берганмиш. Ана холос..." Болалар эшитиб одатланган мажозий эртаклардаги каби бошлама уларни қизиқтириши ва воқеанинг давомига чорлаши аниқ. Хуллас, заҳмат чекиб ов қилишга эринган бургут яйловга ташлаб қўйилган лаҳм гўшт – тайёр луқмага эришаман деб, овчининг тузоғига тушади.

Ёзувчи шу тариқа болаларга нафс балоси ҳақида поэтиклашган сабоқ беради. Ҳикоянинг бош ғояси "Қаноат қилган қул ҳурдир, қаноат қилмаган ҳур қулдир", деган мақол билан ифодаланади.

"Набирамга мактублар" китобидаги ҳикоялар нафақат болалар учун, балки болалар тарбиясида масъул бўлган ота-она, бобо-бувилар учун ҳам тарбиявий аҳамиятга молик қўлланма сифатида қимматлидир.

Навбатдаги ҳикоялар тўплами "Яхшилик излаган бола" деб номланади. "Буви ва набиралар" туркумидаги ўттизга яқин ҳикоялар жамланган ушбу китобчада ҳам болалик олами ўзига хос тарзда тасвир этилади. Тўпламдаги "Аҳиллик", "Чироқ ҳақида сабоқ", "Ақлли ака", "Жумбоқли музқаймоқ", "Зина", "Қорхат", "Тўрт тилак" сингари ҳикояларда ҳам реалистик, ҳам мажозий-рамзий образлар тасвири орқали болалик оламига сайр қилинади.

Чунончи, "Чироқнинг уйи қаерда?" деб номланган ҳикояда буви неварасига чироқни кундуз куни ёқиб исроф қилмасликни, йўқ-са у хафа бўлиб уйига кетиб қолиб, қоронғида чироқсиз қолиш мумкинлигини уқтиради. Қизиқувчан бола, табиийки, "Чироқнинг уйи қаерда?" деб сўрайди. Буви соддароқ қилиб сув омборларида, тўғонларда деб тушунтиради. Бундан ўзича хулоса чиқарган болакай крандан оқаётган сувни бурай туриб бувисига, *яна чироқ оқиб кетмасин,* дейди... Ҳикоянинг жонли ва ҳаётийлигини таъминлаб турган асосий жиҳат бола тасаввури ва унинг нутқидаги ифодасидир. Болалар эшитган, кўрган нарсаларини тўғридан-тўғри қабул қиладилар ва соддадиллик билан муносабат билдирадилар. Ҳикоя қаҳрамони Нодирбек ҳам чироқ билан сув бир жойда яшашини эшитгач, чироқнинг сув билан бирга оқиб кетишини болалик тасаввури билан англайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, болалар адабиётида воқелик шунчаки кичик китобхон руҳиятига мос қизиқарлилик талаби билан қаламга олинмайди. Балки ўша қизиқарли сюжет замирида тарбия ётади. Узоқ йиллар очиқ дидактикадан зериккан болаларга, образли қилиб айтганда, энди турли матодан турли бичимдаги либослар яратилмоқда.

Болалар адабиётидаги жанрий-услубий изланишлар ёш ижодкор Отабек Қувватов ижодида ўзига хос бўй кўрсатмоқда. Ёш китобхонлар уни кичик ҳажмли эртаклари, қизиқарли ҳажвий шеърлари орқали яхши танишади. Яқинда унинг "Олимжоннинг саргузаштлари" номли икки саргузашт-фантастик қиссадан иборат китоби минг нусхада нашрдан чиқди. Китобдан ўрин олган илк қисса "Олимжоннинг саргузаштлари замон ва макон оралиғида" деб номланади. Асар ўзбек халқ эртаклари асосида фантастик жанрда яратилган.

Китобга сўзбоши ёзган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев асар-

га юқори баҳо бериб, бугунги кунда жаҳон адабиётидан қиланаётган таржималар кўпайиб бориши борабарида "болалар қалби, онги, руҳига ўз она тилида ва миллий характерда ёзилган асарлар кўпроқ таъсир этиши"ни айтиб, "ёш ёзувчи Отабек Қувватовнинг ушбу асари ўз вақтида ёзилган асарлардан бири" эканини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, китобдан ўрин олган қиссалар атоқли ёзувчимиз таъкидлаганларидек, болалар оламини миллий заминда ифодалаши билан эътиборга молик. Биринчи қисса қаҳрамони Олимжон исмли олтинчи синф ўқувчиси. Асарда қаҳрамон саргузаштлари воситасида эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалаба қозониши ҳикоя қилинади. Олимжон ота-боболар тажрибаси битилган "Эзгулик" китоби борлигига ишонади ва уни бутун дунё бўйлаб излайди. Воқеалар эртакнамо сюжет ва фантастика асосида қурилган. Ўсмир йигит орзусига эришиш мақсадида изланавериб замон ва макон оралиғида адашиб қолади. Шу тугун ёш китобхонни янада қизиқарли воқеалар сари бошлайди ва қиссанинг давомини ўқиб ечимга етишга ундайди. Болалар адабиётининг етакчи хусусиятларидан бири ҳам сюжетнинг ранг-баранг бўлишидир. Қисса қаҳрамони Меҳрибонлар мамлакати подшосидан олган сеҳрли узук ёрдамида гоҳ қадимги Рим империясига, гоҳ замонавий дунёга тушиб қолади. Ёзувчи ёш китобхонни Эзгулик китоби яширилган хазина калитини излашга чорлаб, турли тоифадаги инсонлар, жумладан, подшоҳлар, донишмандлар, илм кишилари, ихтирочилар, оддий одамлар билан учраштиради, турли саргузаштлар билан ошно қилади. Асарда интерпол, махсус хизмат, изқуварлик каби янги тушунчаларга ҳам болаларча муносабат билдирилади. Асарнинг қизиқарлилиги ва ўқишлилигини таъминлаб турган асосий жиҳат муаллифнинг қисса воқеаларига дахлсизлигидир. Ёзувчининг дастлабки ижодий машқларида баъзан бўй кўрсатиб қоладиган панд-насиҳат беришга мойиллик, тарбиявий аҳамиятга молик ечимга ошиқиш каби ҳолатлар бу асарда бартараф этилганини кўришимиз мумкин.

Жаҳон болалар адабиётининг буюк намояндалари Ханс Кристиан Андерсен, Жонатен Свифт, Жанни Родари, Корней Чуковский асарларида муаллиф "мен"и асар воқелиги ва қаҳрамон руҳига сингиб кетиши билан ажралиб туради. Адибнинг маърифий-эстетик нуқтаи назари бутун асар моҳиятидан англашилади. Шу маънода, энг яхши асарлар, назаримда, керагича ишлов ва безак бериб итқитиб юборилган ғилдиракка ўхшайди. Агар ғилдирак ўз ҳаракат траекториясини ўзгартириб адиб истамаган томонга бурилса-ю, муаллиф уни тўғри йўлга бошлашга уринса, табиийликка путур етади. Аксинча бўлганда эса ҳаётий, ишонарли, табиий пухта-пишиқ асар дунёга келади. Отабек Қувватовнинг "Олимжоннинг саргузаштлари" китобидан ўрин олган икки қиссаси ҳам муаллифнинг ана шу йўлдаги илк уринишлари сифатида қимматлидир. Биринчи қисса якунида Олимжон буюк аллома Ал-Хоразмий билан кўришади ва ундан Эзгулик китобининг калити илм-фанда, ота-боболар ўгитида эканлигини билиб олади. Бу эса фарзандларимизнинг аждодларга муносиб фарзандлар бўлиб камол топиши, китобхонликка меҳр қўйишига ёрдам беради. Асарда келтирилган ҳикматлар ҳам ўрта ёшли китобхоннинг ғашига тегмайдиган тарзда – қизиқарли суҳбатлар кўринишида берилган ва қиссанинг бадиий қимматини оширишга хизмат қилган. Қиссада модерн адабиётга хос ифода унсурлари ҳам кўзга ташланади. Бу ҳол болалар адабиётида ҳам янгича тасвир усулларини қўллашга ҳаракатлар бўлаётганидан далолат беради.

"Сеҳрли мамлакат" деб аталгувчи навбатдаги қисса ҳам саргузашт-фантастик жанрда ёзилган. Асарда Эзгулик шаҳрида содир бўлган ноҳакликлар, ёвузликнинг вақтинчалик ғалабаси ва бу билан боғлиқ ранг-баранг қизиқарли воқеалар ҳикоя қилинади. Манман номли китобнинг қора дев қўлига ўтиб қолиши, Мастон муаллимнинг ёвуз кутубхоначига айланиши каби қизиқарли сюжет воқеалари вайрон этилган шаҳар ўрнига халқнинг бирлашиб янги шаҳар барпо этиши, Мастон муаллимнинг аввалги меҳрибон устозга айланиши каби ечимлар билан якунланади. Эзгуликнинг азалий тантанаси яна ўз исботини топади, бу эса ёш китобхонда юксак инсоний фа-

зилатларни шакллантиришда, ватанга, халқига, илм-у маърифатга, эртанги кунга бўлган ишонч ва меҳр-муҳаббат туйғуларини сингдиришда катта аҳамиятга эга.

Кўп йиллик ҳаётий тажриба ва педагогик маҳоратга эга бўлган ҳаваскор қаламкаш Зиёдулла Латиповнинг "Мўъжизакор ҳаёт" деб номланган ҳикоялар тўплами китобхонлар эътиборига ҳавола этилди. Кичик ҳажмли китобчадан ўрин олган ўндан ортиқ ҳикояда муаллифнинг методист-ўқитувчи сифатидаги узоқ йиллик ҳаётий тажрибаси, кузатишлари, хулосалари бадиий ифода этилади. "Тарбия", "Ўкинч", "Танбеҳ", "Изтироб", "Муҳим қарор" каби ҳикоячаларда инсон ҳаётида учрайдиган айрим кундалик муаммолар, ўқитувчи-ўқувчи ўртасидаги зиддиятлар, ўсмир ёшдаги болалар психологиясидаги мураккабликлар ўзига хос ечим ва тарбиявий хулосалар ҳамда ибратомуз насиҳатлар билан бадиий ифодаланади.

Филология фанлари доктори, Маъруфжон Йўлдошевнинг "Зарчодир остида" номли ҳикоя ва эртаклар тўплами олимнинг бадиий ижодда ҳам ўзига хос маҳорат эгаси эканлигини намойиш этди. Ушбу китобдан ўрин олган ҳикоялар реалистик йўналишнинг модерн кўринишида ёзилган, десак адашмаймиз. Адиб кўп йиллар ўзбек ҳамда хориж олий ўқув юртларида талабаларга сабоқ берди. Тилшуносликнинг турли соҳаларига оид китоб ва юзлаб мақолалар ёзди. Муаллифнинг кенг дунёқараши, ўзгача тасаввур олами, ҳаётий тажрибалари ёзган ҳикоялари қаҳрамонлари қиёфасида намоён бўлади. Турли мамлакатлар, турли хил инсонлар, ранг-баранг ҳайвонот ва ўсимликлар олами тасвирида инсон руҳиятига, унинг ички "Мен"ига муносабат мутлақо янгича, бетакрор талқинда ифодаланади. Инсон ҳаётнинг илк кунидан бошлаб турли ҳикоялар ичида яшашини, ўзи ҳам ҳикояларнинг бир қисмига айланиб боришини кузатасиз. Жаҳон болалар адабиётининг сара намуналари сингари кенг мушоҳадага ундовчи турли-туман воқеалар талқини китобхонни бефарқ қолдирмайди. Китобни кўп нусхада чоп этиш ва ўзбек китобхонларига тавсия этиш жоиз.

Болалар публицистикасига ҳам, одатдагидек, эътибор юқори. Тоҳир Малик, Эркин Малик каби адибларимизнинг ватанпарварлик пафоси билан суғорилган туркум бадиий-публицистик асарлари ёш китобхон маънавиятини ўстиришга, уларнинг жамиятимизга муносиб шахс бўлиб тарбияланишига муҳим ҳисса қўшмоқда.

Албатта, 2017 йил ўзбек болалар адабиётидаги энг катта воқеа икки томлик "Ўзбек болалар адабиёти антологияси"нинг тўлдирилган шаклда учинчи бор нашрдан чиққанлиги бўлди. Бу икки китоб ўзбек болалар адабиётининг сўнгги йиллардаги мазмун мундарижасини ўзида жамлаганлиги билан қимматли. Ёш китобхон антология орқали XX аср ўзбек болалар адабиёти атоқли намояндалари ва уларнинг энг сара ижод намуналари билан танишади. Антологиянинг биринчи жилди назмга бағишланган бўлиб, XIX аср охири XX аср бошларида ўзбек болалар адабиётининг пойдеворига асос солган Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ғайратий каби адиблар ижодидан сараланган намуналар билан бошланади. XX асрнинг 60–80-йилларида ўзбек болалар шеъриятининг ҳаққоний об-ҳавосини яратган Зафар Дилёр, Пўлат Мўмин, Қудрат Ҳикматнинг ҳамда бугунги кунда ҳам самарали ижод қилаётган Анвар Обиджон, Қўзи Исмоил, Кавсар Турдиева, Ориф Тўхташ каби ижодкорларнинг болалик олами акс этган бадиий пишиқ юмористик шеърларидан намуналар билан якунланади. Антология болалар адабиётининг фидойилари Турсунбой Адашбоев, Абдураҳмон Акбар, Дилшод Ражабов томонидан тузилиб, болалар адабиётининг заҳматкаш олими, адабиётшунос Раҳматулла Баракаев сўзбошиси билан нашрга тайёрланган.

Антологиянинг иккинчи китоби XX аср ўзбек болалар насрининг энг сара намуналарини ўзида жамлаган бўлиб, атоқли адиб Ғафур Ғуломнинг "Шум бола" асаридан бошлаб то Илҳом Зойирнинг "Ҳолва емаган бола" қиссасидан олинган парчагача жами етмишдан ортиқ қисса, фантастик-ҳикоя, эртак-қисса ва кичик ҳикояларни ўз ичига олади. Китоб Носир Фозилов, Худойберди Тўхтабоев, Эркин Малик, Шодмон Отабек, Абусаид Кўчимов, Нормурод Норқобилов, Ашурали Жўраев син-

гари ўзбек болалар адабиётининг қирққа яқин жонкуяр, фидойи адиблари қаламига мансуб асарлар орқали бир асрдан ортиқроқ давр руҳини теран акс эттирганлиги, ўзбек болалар адабиёти ҳақида яхлит тасаввур бера олганлиги билан қимматлидир.

Мазкур жилд Сафо Матжон, Турсунбой Адашбоев, Орзиқул Эргаш томонидан тузиб нашрга тайёрланган. "*Ўзбек болалар насрининг бир асрлик тарихий тараққиёти ҳар бир давр ўз адабиётини яратишига мисол бўла олади. Шакл ва мазмун мутаносиблигига доир изланишлар, ижодий анъана ва янгиланишлар хусусан, устоз сўз санъаткорлари анъаналарининг қай бирлари амалда ўз тасдиғини топаётганлиги, бадиий-эстетик тафаккур борасидаги эврилишлар қардош халқлар ва жаҳон болалар адабиёти билан ички алоқадорлик жамият тараққиётида инсонга муносабат болалар насрида қай даражада ўз ифодасини топаётганига эътибор қаратилишига кичкинтойлар адабиётининг етакчи тенденцияларини аниқлашда муҳим мезон вазифасини ўтайди*, дейди антологияга ёзган сўзбошисида адабиётшунос олим Сафо Матжон.

Мухтасар қилиб айтганда, икки жилдлик "Ўзбек болалар адабиёти антологияси"нинг кайта нашри Наримон Орифжонов, Саригул Баҳодирова, Шодмон Отабоев, Абдусаттор Ҳотамов, Абдураҳмон Иброҳимов, Абдусаид Кўчимов, Орзиқул Эргаш, Муҳаббат Ҳамидова, Жуманиёз Ўтаниёзов, Илҳом Зойир каби адиблар ижоди билан бойитилди. Ушбу адибларнинг антологияга киритилиши тасодифий ҳодиса эмас, албатта. Улар ўз асарлари билан ўзбек болалар адабиёти ривожига етарлича ҳисса қўшишган. Масалан, Илҳом Зойир ижодини кўпчилик яхши билади. Ёзувчининг "Тарсаки", "Елпатак", "Табассум бекати", "Қоидаси шунақа", "Тўғри сўзнинг тўқмоғи", "Сеҳрли қалам", "Сичқонча Табунинг саргузаштлари", "Учовлон", "Ҳолва емаган бола", "Қувноқ қуёнча", "Қуёш болалари" каби ҳикоя ва қиссалар тўплами, "Юз тилло можароси", "Ажал пирамидаси", "Тўртбурчакли ёстиқ", "Қисмат ўчи" романлари аллақачон ўз китобхонларига эга. Ундан ташқари Илҳом Зойир таржимонлик билан ҳам шуғулланади. У норвег адибаси Синкен Хоппнинг "Сеҳрли бўр", швед адиби Ян Экхольмнинг "Софдил маллавой" эртак-қиссаларини маҳорат билан ўзбек тилига ўгирган. Хизматлари "Дўстлик" ордени билан тақдирланган. Илҳом Зойир каби ижодкорлар ижодининг антологиядан ўрин олиши мутахассисларга, ўзбек болалар адабиёти билан шуғулланаётган тадқиқотчиларга, филология факультети талабаларига ўзбек болалар насрининг шаклшамойили, моҳиятини бир бутунликда ўрганишга имкон беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, антологиянинг ҳар икки жилдини тузиш ва нашрга тайёрлашда болалар адабиётининг ҳақиқий жонкуярларидан бири, болалар шоири Турсунбой Адашбоевнинг (охиратлари обод бўлсин) хизматлари беқиёс бўлди. Афсус, уларга китоб нашрини кўриш насиб этмади. Аммо порлоқ хотиралари ҳар доим адабиёт ихлосмандлари ва ёш китобхонлар билан бирга эканига шубҳа йўқ.

Шу ўринда айрим китобларда услубий ва имловий хатоларнинг кўп учраши ҳали ҳам кузатилмоқда. Масалан, "Яхшилик излаган бола" номи билан уч минг нусхада чоп этилган қирқ саккиз бетлик кичик ҳикоялар тўпламида айрим жузъий ва жиддий услубий камчиликлардан ташқари элликка яқин имловий хатоликлар учрайди. Бу ҳолнинг китобча муқовасида ҳам кузатилиши ачинарли. Китобча лотин ёзувида босилган. Е ва Э ҳарфларининг фарқланмаслиги, қўшиб ёзиш ва ажратиб ёзиш қоидаларига амал қилмаслик саводхонлик кўникмаларини китоблардан шакллантираётган фарзандларимизга салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Ҳаттот ва ноширларимиз, айниқса, болалар учун китоб чоп этаётганда шу жиҳатига эътибор қаратиш ўта муҳим.

Хулоса қилиб айтганда, ўтган йил болалар адабиёти учун ҳам ўзига хос изланишлар йили бўлди. Адибларимиз яратган қисса ва ҳикоялар, публицистик мақолалар, тўпламлар болалар кўнгил оламини бойиши, эстетик дидининг шаклланиши, одоб-ахлоқли, маънавий баркамол бўлиб вояга етишларида ўзига хос маърифий аҳамиятга эгадир.